*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 6 сентябрь • сешанба № 34 (1030)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

## ТАЪЗИЯНОМАЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.**

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

Европа Кенгаши Президенти — **Дональд Туск**

Франция Республикаси Президенти — **Франсуа Олланд**

Италия Республикаси Президенти —
**Сержо Маттарелла**

Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Вазирлар Кенгашининг Раиси — **Рауль Кастро Рус**

Кувайт Давлати Амири —
**Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти —
**Абдул Ҳамид**

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири —
**Шайх Ҳасина Вазед**

Бруней Доруссалом Султони —
**Ҳожи Ҳассанал Болкияҳ**

Бруней Доруссалом Бош вазирининг офиси вазири ва иккинчи ташқи ишлар ва савдо вазири —
**Пехин Дато Лим Жок Сенг**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти —
**Чан Дай Куанг**

Исроил Давлати Президенти — **Реувен Ривлин**

Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири —
**Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний**

Буюк Британия Парламенти аъзоси, ташқи ишлар вазири — **Борис Жонсон**

Малайзия ташқи ишлар вазири ўринбосари —
**Дато Сри Риизал Мерикан бин Найна Мерикан**

Малайзия ишбилармонлар ва саноатчилар ассоциацияси президенти — **Дато Муҳаммад Изат Амир**

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби —
**Ийяд Амин Маданий**

"Газпром" компанияси бошқаруви раиси —
**Алексей Миллер**

Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори, "Дойче Кабель АГ Тошкент" қўшма корхонаси инвестори — **Фальк Порше**

Испания Конгресси депутати —
**Хосе Мария Чикийо Барбер**

Саудиялик ватандошлар.

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

## ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМИША ХАЛҚИМИЗ ЮРАГИДА

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган маросим давом этди. 5 сентябрь куни вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, таълим муассасалари жамоалари, жамоатчилик вакилларининг қадами узилмади.**

Бу ерга келувчилар Сенат биносига ўрнатилган Президентимизнинг портрети олдида бош эгиб, пойига гуллар қўйди. Турнақатор бўлиб тизилган одамлар юз-кўзида, нигоҳида ўз раҳнамосига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, юксак ҳурмат-эҳтиром билан бирга оғир йўқотиш туфайли чуқур қайғу ва аччиқ кўз ёшлар...

— Президентимиз Ислом Каримов халқимизни нафақат мустақилликка олиб чиқди, балки уни мустаҳкамлаш йўлида бутун борлиғини бахшида қилди, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор тумани Қорақамиш даҳасида истиқомат қилувчи Абдумўмин Каримов. — Ёшим тўқсонга яқинлашди, лекин бундай халқпарвар, доно ва довюрак раҳбарни кўрмаганман. Собиқ тузум даврида вайрон бўлган қадамжолар Юртбошимиз раҳнамолигида қайта тикланди. Дину диёнатимиз ўзимизга қайтди. Бундай савобли ишлари билан Ислом Каримов ҳаётлигидаёқ ўзига боқий ҳайкал ўрнатганди. У кишини нафақат биз, балки неча асрлар давомида авлодларимиз ҳам юксак эҳтиром билан хотирасида сақлайди.

— Мустақиллик туфайли халқимиз ўзлигини топди, дунёда ўз ўрнига эга бўлди, — дейди Шайхонтоҳур тумани Кўкча дарвоза маҳалласида яшовчи Бону Раҳимова. — Бугун байроғимиз халқаро майдонда, жаҳон ареналарида ҳилпираганда кўксимиз ғururга тўлади. Буларнинг барида доно давлат раҳбаримиз Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёс. Ҳозир юракларимизда шундай чексиз қайғу борки, буларни сўз билан ифода этиш қийин.

— Президентимиз Ислом Каримов халқимизнинг ҳар бир вакилини чин юракдан яхши кўрарди, — дейди юнусободлик Людмила Проценко. — Буни ҳис қилганмиз, биз ҳам уни доим яхши кўрганмиз, қадрлаганмиз. Айниқса, миллатлараро тотувлик муҳитини яратгани, бу масалага юксак даражада доим эътибор қаратгани мамлакатимизда тинчлик, осудалик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлади. Юздан зиёд миллатни бир байроқ остига бирлаштирди, бир мақсад сари бошлади. Бу борада Ислом Каримов бошлаб берган хайрли анъаналарни давом эттириш, уларнинг "Ўзбекистон — умумий уйимиз!" деган даъватини авлодлардан-авлодларга етказиш бизнинг бурчимиз.

— Президентимиз Ўзбекистонни дунёда тенглар ичра тенг қилиш билан бирга, бу табаррук заминда истиқомат қилаётган барча элу элатларни бирдек қадрлади, эъзозлади, — дейди Қорақалпоғистон халқ артисти Кенгесбой Сержанов. — Хусусан, қорақалпоқ халқига эътибори бўлакча эди. Оғир глобал экологик муаммолар гирдобида қолган бу тупроқ истиқлол туфайли эътибор топди, гуллаб-яшнади. У ерда туғилиб-ўсган истеъдодлар жаҳон саҳналарига, спорт ареналарига чиқди. Бу йўлда қилинган хайрли ишлари ҳеч қачон унутилмайди, асрлар оша яшайди.

— Юртбошимиз ҳар бир ўғил-қизга оталарча меҳр-эътибор кўрсатгани, уларга дунёда тенги йўқ шарт-шароитларни яратиб бергани тарих зарварақларига мангу муҳрланади, — дейди Учтепа туманидаги 251-мактабнинг тарих ўқитувчиси Муҳайё Пирматова. — Чунки мустақиллигимизнинг йигирма беш йили давомида бу йўлда қўйилган мустаҳкам пойдевор йиллар ўтгани сари ўз самарасини бераверади. Фарзандларимиз халқаро фан олимпиадалари, олимпиада ўйинларида ўнлаб медалларни қўлга киритмоқда, бу муваффақиятларимизнинг салмоғи бундан кейин янада ошиб бораверади. Халқимизнинг нафақат бугунги, балки келажакда эришажак ғалабалари ҳам Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлади.

— Президентимиз бизга доим азиз фарзандларим, деб мурожаат қилганлари қалбимиздан чуқур жой олган, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Орифжон Асқаров. — Биз буюк Юртбошимизга ўхшашга, у кишининг ишончини оқлашга ҳаракат қилганмиз. Бизнинг келажагимиз йўлида доим куйинган, барча шароитни муҳайё этган Президентимиз бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари бўлишга интиламиз.

— Ўзбекистонда истиқлол туфайли тадбиркорлик ривожланиши, хорижий инвестицияларга кенг йўл очилиши Президент Ислом Каримов номи билан боғлиқ, — дейди Германиянинг "Siemens" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Искандар Бўронов. — Мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, қулай ишбилармонлик муҳити хорижлик ҳамкорларни жалб этиб келмоқда. Компаниямиз ҳозирги кунда Устюрт газ-кимё мажмуаси ва бошқа йирик корхоналар билан самарали технологик ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бу буюк инсон бошлаган хайрли ишлар янада самарадорлик билан давом этишига ишонамиз.

— Ўзбекистоннинг дунё давлатлари ичида ўз ўрнига эга бўлишида Президент Ислом Каримовнинг ўрни ва роли беқиёс, — дейди Жанубий Кореянинг "Neworold" компанияси раиси Ли Сунг Ҳи. — Бугун Ўзбекистон ҳар жиҳатдан тараққий этмоқда. Муҳташам бинолар, обод кўчалар, халқнинг фаровон турмуши шундан далолат беради. Ислом Каримовнинг вафоти Ўзбекистон халқи учун оғир йўқотиш бўлди. Чунки халқ ўз Президентини севарди, ҳурмат қиларди. Бугунги маросимлар, одамлар юзидаги маҳзунлик буни кўрсатиб турибди. Биз ҳам дардингизга шерикмиз.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Элу юртга бахшида умр

**ЎЗБЕКИСТОН Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, мустақиллигимизнинг асосчиси Ислом Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар, адабий-бадиий нашрлар ходимлари иштирок этди.**

Тадбир аввалида Президентимиз портрети пойига гуллар қўйилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, адабиётшунос олимлар Б.Назаров, У.Норматов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Х.Тўхтабоев, Э.Аъзам ва бошқалар Ислом Каримовнинг халқимиз олдидаги буюк хизматлари, адабиётни равнақ топтириш, миллий ўзлигимизни юксалтириш йўлидаги кўрсатган фидойилиги ҳақида сўзлаб, у кишининг вафоти Ватанимиз ва халқимиз учун ниҳоятда оғир йўқотиш эканини чуқур қайғу билан таъкидлади.

Ислом Каримов республикамизга раҳбар бўлиб келган давр халқимиз тақдирида ўта оғир, масъулиятли йиллар эди. Нафақат эркинлигимиз, балки миллийлигимиз, тилимиз, динимиз, ўзлигимиз ҳам ҳалокат ёқасида турганди. Шундай мураккаб шароитда Ислом Каримов ташаббуси, фидойилиги билан ҳали мустақилликка эришилмай туриб, "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинди. Миллий байрамларимиз, дину эътиқодимизга янгидан ҳаёт бахш этилди. Адабиётимизни равнақ топтириш борасида ишлар амалга оширила бошланди.

Юртбошимиз "Адабиёт масаласи — маънавият масаласи", деган шиорни илгари суриб, бу эзгу ғояни ҳаётга татбиқ этишга раҳнамолик қилди. Ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, адабиёт майдонига кириб келаётган ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш борасида барча шароит яратилди. Буюк мутафаккир аждодларимизнинг маънавий меросини асраш, келажак авлодларга етказиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

— Президентимизнинг маънавиятимизни юксалтириш борасида кўрсатган юксак фидойилигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин, — дейди адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев. — Масалан, пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" хиёбони барпо этилиши жараёнидаги ҳаракатлари асло кўз олдимиздан кетмайди. Юртбошимиз тиғиз давлат ишларидан ортиб, ушбу музейни ташкил этиш жараёнини доимо кузатиб борган. Музей экспозициясини қандай асосда тузиш, унга қандай ҳужжатларни қўйиш, қандай тарихий манбаларга таяниш ҳақида берган йўл-йўриқларини эшитиб лол қолганмиз. У киши нафақат сиёсат ва иқтисод, тарих соҳасида ҳам чуқур билимга эга эди. Она халқимизнинг узоқ ва яқин ўтмиши ҳақида билим ва тушунчалари ниҳоятда юксак эди. Халқимизга ана шундай улуғ зот раҳнамо бўлгани бизнинг бахтимиз. Ушбу бахту саодатимиз абадий бўлиши учун улуғ Йўлбошчимиз бошлаган ислоҳотларни муносиб давом эттириб, Юртбошимизнинг руҳларини доимо шод этишимиз керак.

Бутун умрини элу юртимиз равнақи, бахти учун бағишлаган буюк инсон Ислом Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу сақланади.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Эътироф**

# Истиқлол – ҳуқуқ, имконият ва тараққиёт манбаидир

**ёхуд "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиорининг мазмун-моҳияти ҳақида**



**САККИЗТА СЎЗНИНГ ИЗОҲИ**

ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг жорий йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бош ғоя асос сифатида белгиланди.

Мазкур шиорнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилса, кўп нарса аён бўлади. Чунончи, мантиқ ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараён ва тушунчаларга мазмун, куч, самимийлик, яхлитлик ҳамда таъсирчанлик бахш этади. Ушбу шиор ҳам бундан мустасно эмас. Яъни, ундаги мантиқийлик қуйидаги мутаносибликлар билан моҳиятан боғлиқ. Биз мазкур шиордаги саккиз сўзни тўғридан-тўғри маъноси билан эмас, мантиқан тушунсак, уларнинг моҳияти мустақиллик ва Ватан тушунчаларига нисбатан батафсил, яхлит ва тугал маънога эга бўлади.

Гўзал сўзи — "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"га кўра, жуда ҳам чиройли, хўшрўй, киши кўзини қувонтирадиган, кишини мафтун этадиган, завқлантирадиган, унутилмас, деган маъноларни англатади. Бироқ биз шиордаги дастлабки гўзал сўзини шу тарзда тушунсак, ундан кутилган маъно чиқмайди. Шу ўринда бизга мантиқ ёрдам беради. Фалсафий мушоҳада мантиқ билан уйғунлашса, гўзал сўзининг яхлит маъноси келиб чиқади. Жумладан, давлат суверенитети, тўғри белгиланган ташкилий-ҳуқуқий асос, одил ва оқилона сиёсат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига талафотсиз ўтилгани ёхуд тўғри амалга оширилган адолатли ижтимоий сиёсат ва омилкорлик асосида қайта тикланиб, юксалтирилган миллий, маънавий-маданий ҳаёт натижасида мамлакатмизда ёшу қари, аёлу эркак бирдек манфаатдорлик касб этаётгани боис Ватанимиз иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий жиҳатдан қонуний асосда амалга оширилаётган ўз ички ёки ташқи сиёсати боис кундан-кунга гўзаллашиб бораётганини тушуниш мантиқан тўғри бўлади.

Бетакрор сўзи ҳам луғатда қайд этилишича, такрорланмайдиган, қайтиб келмайдиган, тенги йўқ, ноёб, топилмас, деган маъноларга эга. Табиийки, бетакроримсан сўзига ҳам кенг маънода, мантиқан жаннатмакон юртимизнинг фусункорлиги, серқуёш об-ҳавоси, унумдор замини, бетакрор табиати, танти, мард, дангал, меҳнаткаш, бардошли ва бағрикенг халқи, бой тарихи, юксак маданияти, ўлмас маънавияти ва унутилмас миллий қадрияти нуқтаи назаридан тушунилса, яхлит мазмун касб этади.

Муқаддас сўзига мазкур луғатда пок, тоза, азиз, илоҳий, олижаноб, шарафли, юксак деган маъноларни англатиши келтирилган.

Ватан сўзига эса ўзбек тилининг изоҳли луғатида туғилиб ўсган жой, кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр, киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт, турар жой, бошпана, маскан, уй деган маъноларни англатиши қайд этилган. Фикримизча, мазкур икки сўз бир жумла сифатида "муқаддас Ватаним" сифатида тушунилиши мазмун ва моҳиятан тўғри бўлади. Муқаддас Ватаним жумласига Ватан ҳар бир инсон учун ўз киндик қони тўкилган азиз ва мўътабар макон, ота-боболари хоки ётган қадрли ва илоҳий маскан ҳамда ака-ука, опа-сингиллари ёхуд фарзанд ва жигарлари истиқомат қиладиган табаррук жой, миллий ғурури, орияти, ор-номуси бўлган ҳар бир инсон учун Ватаннинг ҳар бир карич тупроғи муқаддас ва азиз бўлиши ҳамда иймон ва эътиқоди бўлган шахс ўз Ватани олдида қарздорлик ҳиссини туйиб яшаши нуқтаи назаридан ёндашиш мазкур жумланинг тугал маъносини англатади.

Жоним сенга фидо Ўзбекистоним — дея ҳаяжон билан айтилган жумлани ҳам кенг маънода тушуниш унинг мантиқийлигини таъминлайди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида дастлаб ўз Конституциясида ҳар бир фуқаросини ўз ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳам ҳимоялаши тўғрисидаги норма белгиланган.

2 ►

## Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!





# Истиқлол – ҳуқуқ, имконият ва тараққиёт манбаидир

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Яъни, давлат ўз фуқароларининг тинчлиги, осойишталиги, хавфсизлиги учун масъулликни Конституция ва қонунларга асосан ўз зиммасига олиши мустаҳкамланган. Шу боис ушбу жумла ҳар бир фуқаронинг Ватан олдидаги ўз масъулияти ва бурчини англаши, давлат равнақи йўлида фидойилик билан меҳнат қилиб шараф топишига ишора сифатида тушунилиши мантиқан асосли бўлади. Зеро, Ватан ҳеч қачон ҳеч кимдан ўз жонини фидо этишга мажбур қилмайди. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилингани ҳам бунинг исботидир.

### МУСТАҚИЛЛИК ВА ҲУҚУҚНИНГ УЙҒУНЛИГИ

Мустақиллик ўз моҳиятига кўра, одилликка, адолатга ва қонунийликка асосланса қарор топади, қадрланади, мустаҳкамланади ва асралади. Зеро, давлатимиз мустақиллиги ҳам айнан шу тамойилларга асослангани боис жамият аъзолари онгида шаклланиб олий қадриятга айланиб амалда юксалмоқда. Ўзбекистонимиз энг янги тарихи (1989 йил 23 июнь)нинг дастлабки кунлариданоқ қадди букилган, ғурури топталган, ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилган халқнинг қадрини ҳамда қонуний манфаатларини тиклашга эътибор қаратилди. Бунда асосан қонунийликка таянилгани ўз самарасини берди.

Қонунларнинг барчаси бир томондан, янги давлат ва жамият қуришда, инсонни олий мавжудот сифатида тан олиб, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини етакчи ўринга қўйгани бўлса, иккинчи томондан мустақилликнинг мақсад ёхуд вазифалари билан уйғунлигида кўринади. Айнан ушбу қонунлар ўтган йигирма беш йил давомида ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга замин яратганини тан олишимиз лозим.

Мустақиллик қонунчилик ҳужжатларига таяниши боис реал ҳаётдаги барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий йўналишлар учун ташкилий-ҳуқуқий асос яратиб беради. Мазкур ташкилий-ҳуқуқий асос эса фуқаролар учун кенг имконият яратиб, тараққиётга асос бўлмоқда. Жумладан, халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиётини ўзида мужассам этувчи турли давлат дастурлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар "инсон — жамият — давлат", "ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон ва унинг манфаатлари учун", "соғлом ва баркамол авлод", "соғлом она ва бола" каби концепцияларни амалга оширишга қаратилгани боис бугунги тенгсиз имкониятлар яратилишига асос бўлди. Давлатимиз сиёсатида инсон омилига устувор аҳамият берилиши ҳар томонлама ўзини оқлаётганини бугун замоннинг ўзи кўрсатмоқда.

Бунинг исботи сифатида мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидаёқ спорт соҳасини ривожлантириш учун "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"-ги Қонун ҳамда бир нечта қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб, улар янада takомиллаштирилганлиги натижасини бир неча йиллардан буён жаҳон аренасида миллатимиз байроғи юқорига кўтарилганлигида ёхуд яқинда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида ўртача ёши 20-25 да бўлган Ўзбекистон спортчилари 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза медал билан умумжамоа ҳисобида 207 та мамлакат орасида 21-ўринни банд этиб, халқимиз эъзоз ва эҳтиромига сазовор бўлганида кўриш мумкин.

Мустақиллик шарофати сабабли мазкур жараёнда давлат томонидан яратилган ташкилий-ҳуқуқий имкониятдан фойдаланишнинг шахс-оила-жамият-давлат уйғунлиги юзага чиқди. Яъни, давлат яратган ташкилий-ҳуқуқий имконият шахс томонидан англаб етилди. Оила ва жамият томонидан қўллаб-қувватланди. Натижа кўрсатилди ва у халқаро миқёсда тан олинди. Давлат томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Мустақиллик шарофати боис миллий ҳуқуқ тизимидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда собиқ Иттифоқ тизимидан мерос қолган ман этувчи, тақиқловчи ва мажбурловчи нормаларга барҳам берилиб, уларнинг ўрнига йўналтирувчи, қўллаб-қувватловчи ва рағбатлантирувчи нормалардан фойдаланилмоқда. Буни биз давлат томонидан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда яратилган ташкилий-ҳуқуқий имкониятлар мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу фикримизнинг асоси сифатида бир қанча юртдошларимизга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонининг топширилиши, мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳининг рағбатлантирилганини келтирсак мантиқан тўғри бўлади. Чунки ҳар бир соҳанинг юксалиши ва тараққиёти давлат эътиборига, соҳа ходимларининг профессионализми ҳамда шахсий ибратли фазилатларига боғлиқ. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги рағбатлантирувчи нормалар эса соҳа ходимларида бу каби сифатларни шакллантириб улар зиммасига бевосита масъулият юклаши билан аҳамиятлидир.

### МУСТАҚИЛЛИК ТАЛАБЛАРИ

Ҳар қандай жараённинг икки жиҳати бўлганидек, биз учун олий қадрият саналмиш мустақилликнинг ҳам икки муҳим хусусияти мавжуд. Мустақиллик фуқаролар учун ҳуқуқ ва имкониятлар яратиши билан бирга, ўз талабларига ҳам эга. Мамлакатимизда мустақилликни идрок этиш, асраб-авайлаш ҳамда уни мустаҳкамлашда унинг талабларига риоя этиш муҳим саналади. Мустақилликнинг огоҳлик, ҳушёрлик, бедорлик, меҳнаткашлик, фидойилик, ватанпарварлик, тўғрилик, ҳалоллик, интизомлилик, масъулиятлилик, самимийлик каби талаблари бор. Ушбу талаблар мустақилликни кўз қорачиғидек асраш, мустаҳкамлаш билан бирга давлат ва жамиятни ягона мақсад сари сафарбар этиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлашдек устувор вазифалар билан ҳам боғлиқ. Бугун мамлакатимиз ҳамда халқаро миқёсда эришаётган барча ютуқларимиз ҳам айнан шу талабларга риоя этилаётганининг исботидир.

Яна бир муҳим масала, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлоднинг янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётганида мустақиллигимизнинг ўрни ва аҳамиятини уларнинг онгига етказиш муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

**Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети доценти**

# Ёруғ истиқбол йўли

БИЗ УЧУН энг улуғ, энг азиз, энг қадрли ИНСОНни йўқотиш қайғуси қудратли 32 миллион халқни, ҳар битта оилани, ҳар битта юракни ларзага солиши аниқ! Тинчликни юракларимиз мадҳиясига айлантирган муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, ўзбек халқи қандай буюк ишларга қодирлигини бутун дунёга кўрсатиб берди. Ислом Каримовнинг номи озодлик ва мустақиллик билан ҳамоҳангдир. Бутун ҳаётини шу эл, шу халқ, шу Замин, шу азиз ВАТАН тақдири билан чамбарчас боғлаган бу меҳрли инсон нафақат Ўзбекистонимизнинг, балки ҳар биримизнинг тарихий ютуғимиз эканлигини тан оламиз!

Биргина Навоий вилоятида Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган ишларнинг бири сифатида Буюк Ипак йўли ўтган буюк тарих муҳрланган қадимий Маликработ дарвозаси эшиклари дунёга юз тутганини, бутун жаҳонни ўзига чорлаётганини ифтихор билан тилга олиш мумкин.

Барханлар бағрида бунёд этилган вилоятда бугунги кунда ўнлаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Корея, Венгрия, Эрон, Америка, Нидерландия, Панама, Лихтенштейн, Канада, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон, Россия, Латвия каби кўплаб хорижий ва ҳамдўстлик давлатлари билан ҳамкорликда ишлаётган корхоналар нафақат вилоят, балки Ўзбекистонимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон билан ишлайман, деган хорижлик ҳамкорларнинг Навоий эркин-иқтисодий индустриал ҳудудга ўз сармоясини қўшаётганлиги юксак ишонч белгиси.

Айниқса, юртимизда барча миллат ва элат вакиллари ўзларини эркин ва бахтиёр ҳис этишлари учун бизда ҳамма шароитлар яратилган. Буни биргина мисол билан исботлаш мумкин. Агар Ўзбекистонда умумтаълим мактабларида 7 та тилда таълим бериш жорий қилинган бўлса, шундан 6 та тилда таълим олишга кўп миллатли Навоий вилоятида амал қилинмоқда. Демак, ҳар бир миллатнинг тилига ҳурмат мужассам.

Ватанимизнинг энг юксак мукофоти — **"Ўзбекистон Қаҳрамони"** унвонига сазовор бўлган биргина навоийликлар орасида нафақат ўзбеклар, украин, рус ва қозоқ миллати вакиллари ҳам бор. Бу ўзбек тупроғида ҳалол меҳнат қилаётган юртга фидойи барча миллат вакиллари ни ҳукуматимиз раҳбари бошига кўтаргани, улар хизматини олий даражада қадрлаганлигининг ёрқин намунаси эмасми?

Доно раҳбар, буюк сиёсат арбоби, маърифатпарвар Йўлбошчи раҳбарлигида амалга оширилган улуғ ишларни тарих ва халқимиз ҳеч қачон унутмайди! Ва Ислом Каримов бошлаган буюк ишларни, албатта, давом эттириш, унинг ғояларини амалга ошириш ҳар бир ўзбекистонлик учун муқаддас бурч бўлиб қолади!

Ўзбек эли Ислом Каримов туфайли ёруғ истиқболга юз тутди. Дунё бизни таниди, тан олди, биз жаҳонни танидик. Озод Ўзбекистон тарихида янги саҳифани шу довюрак инсон очди. Жаҳонгир Темурнинг руҳлари қайта тирилди, она юрт тарихи шонларга тўлди. Оламни лол қолдирган буюк ўзгаришларда, улуғвор ишларда Ислом Каримовнинг меҳри ва эътибори яққол кўриниб турибди.

Чиндан ҳам, халқимиз эртасини, манфаатини кўзлаб, танланган тўғри йўл мамлакатимизнинг тарихан қисқа давр ичида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, ўз сўзини топишига имкон яратди. Бугун юртимиз нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, кўплаб мамлакатлар Ўзбекистонни ишончли ҳамкор сифатида эътироф этмоқда.

Мустабид тузум даврида халқимиз учун кундалик эҳтиёжига зарур бўлган оддий хўжалик моллари, нефть ва нефть маҳсулотлари, ғалланинг 80 фоиздан ортиғи, ҳатто туз, гугурт ҳам четдан олиб келинарди. Бугун ғалла мустақиллигига эришилди. Бугун буларнинг ҳаммаси ўзимизда бор.

Бугунги мунаввар йўллар карвонида, маҳобатли кўприклар қудратида, боғу бўстонлар тароватида, кўнгиллар ҳаловатида, Ўзбекистон тупроғидаги ҳар битта гиёҳнинг нафасида Юртимиз Отасининг ўткир нигоҳини сезамиз.

Давлатимизнинг Биринчи Президенти маданиятимизнинг, маънавиятимизнинг ўчмас чироғи сифатида қалбларимизнинг машъали бўлиб мангу қолади.

Ислом Каримов бутун умр "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" ақидаси билан яшади. Шу номли китобида Ўзбекистон тақдири — унинг истиқлол остонасигача бўлган армонли тарихи, мустақилликнинг шарафли озодлик ва ободлик саҳифалари, Оллоҳ назари тушган улуғ юртнинг нурафшон эртаси акс этган. Бу китоб бизга улуғ аждодларимиз мероси муқаддаслигини, тақдир чиғириқларидан ўтган оталар матонати ўлмаслигини, ўтган кунлардан сабоқ олиб, буюк келажакнинг устувор вазифаларини амалга оширишимиз зарурлигини эслатиб туради.

Ўзбекистон эндигина навқирон чорак аср остонасига етди. Аммо бу кўҳна юртнинг тарихи неча минг-минг йиллардан сабоқ беради, илдизлари эса неча-неча асрлардан сув ичади, қувват олади. Ислом Каримовнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир асари биз учун катта ҲАЁТ КИТОБИ, эртанги янада ЁРУҒ КУНЛАРГА етказувчи улуғ пойдевордир.

Юртимизни, меҳнаткаш халқимизни қудратли қилган, ўз кучига, ўз билимига ишонтирган, дунёга ўзбек деган номни танитган, барчамизга меҳру диёнатларни мерос қилиб қолдирган азиз ИНСОН қалбимизда абадий яшайди. Биз кўзларга суртган Ўзбекистон бўлиб қолади!

* * *

*Иккинчи сентябрь —*
*Юртнинг юрагига ғам ботган кеча,*
*Айрилиқ тошларни эритган кеча.*
*Кузнинг сочлари оқартган кеча*
*Сиз деб бўзладик...*

*Иккинчи сентябрь —*
*Чинорларнинг бағри тилинди бу кеч,*
*Тошкентнинг юраги юлинди бу кеч.*
*Сизсиз ҳеч кимлигим билинди бу кеч,*
*Ғариб сўзлар ҳам...*

*Иккинчи сентябрь —*
*Халқимнинг юраги қон бўлди бу кун,*
*Умр армонлари ўкинди бу кун,*
*Сиздан буюк миллат, эл қолди бу кун,*
*Байроқни ўпамиз, кўзлар тўла ёш...*
*Сизни унутмаймиз — қалбдаги ҚУЁШ!*

**Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири**

# Мустақил юртнинг муаззам майдони

## Бундан 25 йил муқаддам – 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимизнинг бош майдонига Мустақиллик майдони номи берилган

**КУНИ кеча қалбларимизни ларзага солган оғир жудоликдан ўзимга кела олмадим. Кўнглим ҳувиллаб қолди. Бир илинж истаб мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига бордим. Майдондаги ҳар бир деталга синчиклаб разм соламан. Давлатимиз раҳбарининг "Биздан обод ва озод Ватан қолсин!" деган эзгу мақсадлари ижобати кўз ўнгимда гавдаланади.**

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари мана шу майдондан бошланган, десак, хато бўлмайди.

...Эзгулик аркаси қаршисидаман. Тинчлик, осойишталик, хотиржамлик дарвозаси сифатида қад ростлаган бу иншоот халқимизнинг ғурури каби юксак. Парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги юксак интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлаклар эса тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровонлик ва қут-барака тимсолларидир. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимиз ривожи учун пойдевор бўлаётган бақувват таянчлар ифодасидир. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир инсон муқаддас даргоҳга қадам қўяётганини ҳис қилади. Майдон ҳамиша яшнаб, барқ уриб турадиган кўкаламзорлари, етти иқлимдан келтирилган анвойи гулу буталари, манзарали дарахтлари билан кўзни қувонтиради.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик майдонида янги барпо этилган монумент пойига илк бор гулчамбар қўйган эди. Майдонда мустақиллигимизнинг дастлабки йилида қад ростлаган Мустақиллик ва эзгулик монументи олдида фарзандини бағрига босиб, унга ишонч билан термулиб турган Бахтиёр она ҳайкали бунёд этилди. Бундан мақсад халқимизнинг орзу-интилишларини теран ифода этиш, ёшларимизнинг маънавий оламини эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтиришдан иборатдир. Монумент ўз меъморий ечими, ғоявий-бадиий мазмуни билан Ўзбекистон танлаган йўл — Мустақиллик йўлининг таъсирчан ифодасига, асрий қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланди.

Икки қатор қилиб экилган ям-яшил арчалар орасидаги йўлаклар Бахтиёр она ҳайкали томон олиб боради. Ҳайкал пойида бош эгаман. Бахтиёр она — она Ватан рамзи. Бу буюк тушунчанинг айнан она сиймоси орқали ифодаланиши, мамлакатимиз бош майдонида Бахтиёр она ҳайкалининг барпо этилиши онага, аёл зотига ҳурмат-эҳтиром нақадар юксак эканидан далолат. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини шакллантирадиган мезонлар она бағрида, оила муҳитида куртак ёзади. Онани ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш Юртбошимизнинг диққат марказидаги масалалардан эди.

Сал нарида невараси билан нуроний отахон кўринади. Отахон ҳар бир иншоот ҳақида батафсил гапириб бермоқда: "Бу Ер шари тасвири. Унинг марказида Ўзбекистон харитаси жой олган, у Мустақиллик ва эзгулик монументи деб аталади...".

Отахон тўхтаб атрофга назар солди. Неварасининг бошини силаб сўзида давом этди: "Илгари бу жойлар "Қизил майдон", деб юритилган. Ёзнинг жазирамасида оловдек қизиб ётган бетондан иборат маскан энди ўйлаб кўрсам ўша тузумнинг кичкина намунаси бўлган экан".

Дарҳақиқат, ҳар бир жой номига муносиб бўлади. Мустақиллик майдонининг кўрки ва тароватидан юртимиздаги ободликнинг нафаси келиб турибди.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш чоғида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиш яхши анъанага айланган. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ҳам давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу монумент пойига гул қўйиш орқали ифода этади.

Қуёш порлаб, майин эсаётган шабада дилларни тетиклаштиради, майсалар оҳиста тебранади, майдондаги ям-яшил арчалар, турфа гуллар кўзни қувонтиради. Юрагимдаги ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис этгандек бўламан.

Қуёш нурида жилоланувчи фавворалар кўнгилга мусаффолик бахш этди. Фавворалар нафақат тинч ва осойишта ҳаётимиз, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг ёрқин ифодасидир. Фавворалар ансамбли меъморий услуби ва кўлами жиҳатидан атрофидаги маъмурий биноларга кўркамлик бағишлайди. Ҳароратни мўътадиллаштириб, атрофга салқинлик бахш этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Вазирлар Маҳкамаси бинолари, Хотира хиёбони, "Туркистон" саройи, маъмурий бино, Маърифат маркази мажмуаси, "Пойтахт" бизнес маркази, Тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи каби замонавий комплекслар Мустақиллик майдонининг умумий манзарасини тўлдириб, унинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Мотамсаро она ҳайкали томон юраман. Онанинг қиёфаси кишини маъюс торттиради. Бу она қиёфасида Иккинчи жаҳон урушига кетган 1,5 миллион эр йигитнинг қайғуси мужассам. Ўша йиллари йиғлайвериб, кўз ёшлари қуриган меҳрибон она фарзандидан, аёллар суянчиғидан, опалар укасидан, сингиллар акасидан ажралганининг тимсоли бу.

Хотира хиёбонидаги зарҳал "китоб"ларда номлари қайд этилган ярим миллион аскарнинг руҳи мусаффо осмонимиз узра учиб юргани аниқ. Улар мотамсаро онага "Дард чекма она, энди фарзандларинг уруш деган балога йўлиқмагай", деяётгандек гўё.

Ўриндиқда қўлларини дуога очиб ўтирган онахонга кўзим тушди. Беихтиёр мен ҳам юзимга фотиҳа тортдим. Салом бериб, ёнига ўтирдим.

— Отамнинг қабри қаердалигини билмайман, — деб гап бошлади ўзини Муҳрима Шотурсунова деб таништирган онахон. — Уруш йиллари беш ёшда эдим. Отамнинг дийдорини аниқ эслайман. Кейин аскарлик пайтида тушган суратларини юборган. У даврларда инсоннинг қадри ҳам йўқ экан-да. Қаерда вафот этган, қандай вафот этган, дафн қилинганми-йўқми, буниси қоронғи. Отамни соғинганда шу ерга келиб, ҳаққига дуо қилиб тураман.

Онахон ўрнидан қўзғалар экан чуқур нафас олиб, "Номингдан айланай тинчлик! Тинчлик бор жойда ҳаловат бўлади, тўйлар бўлади, тинчлик бор жойда уйлар қурилади. Тинчликни асраш, қадрига етиш керак", деди.

Мустақиллик майдонидан чиқарканман отасининг қўлидан ушлаб боғчадан, онасининг ёнида мактабдан қайтаётган, футбол майдонида шодон тўп тепаётган, анҳорда чўмилаётган, спорт анжоми ё чолғу асбобини елкалаб олган болаларни кўриб, дилим яйрайди. Юртбошимизнинг эзгу ишларини ёшлар, қолаверса, шу болажонлар давом эттиражак.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА мухбири**

# Мустаҳкам ва маҳобатли кўприклар

## бунёдкорлигимиз намунаси

**МАМЛАКАТИМИЗ ҳар куни, ҳар соатда чирой очиб бормоқда. Боғу роғлар, бинолару иншоотлар қурилиб, гулзорлар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар обод бўлиб бормоқда. Истиқлолимизнинг ўтган йигирма беш йили давомида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг кўлами ва салмоғи юксак эканини дилдан ҳис қилмоқдамиз. Миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган муаззам майдонлар, кенг ва равон йўллар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Айниқса, бу эзгу ишларда катта меҳнати билан ҳисса қўшаётган темирйўлчиларнинг ўрни беқиёсдир. Соҳа ходимлари эришаётган ютуқларни сарҳисоб қилганда, тизимда кўприксозлик соҳасининг шаклланганини эътироф этиш лозим бўлади.**



Бугун "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Кўприкқурилиш" трести унитар корхонаси томонидан барпо этилаётган маҳобатли кўприклар пухта лойиҳа ва ечимлар, кўприксозликда ишлатиладиган бетакрор анъаналар асосида қуриб битказилиб, иқтисодиётимизни ривожлантириш, халқимиз узоғини яқин қилишга хизмат қилмоқда.

Корхона томонидан яқин 10 йил давомида қурилган энг катта иншоотлардан бири — Амударё узра барпо этилган муҳташам кўприкдир. Шунингдек, "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темирйўлида кўприксозларимиз томонидан 70 дан ортиқ сув ўтказиш трубалари, 42 та кўприк барпо этилди. Япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда 5 та улкан металл конструкцияли кўприк қуриб битказилди.

Бундай йирик ва мураккаб лойиҳалар корхонанинг моддий-техник базасини такомиллаштиришни тақозо этади, албатта. Шу мақсадда кўприк қуриш ишини янада сифатли, замон талабларига мос мустаҳкам барпо этиш учун хориждан янги техникалар келтирилди, мавжудлари модернизациялаштирилди. Бунинг самарасида, корхона турли ечимлардаги кўприклар ва бошқа иншоотларни барпо этиш қувватига эга бўлди.

Моҳир ва ўз ишининг устаси бўлган кўприксозларимиз саъй-ҳаракатлари билан Ангрен-Поп янги электрлаштирилган темирйўл линиясида қад ростлаган 15 та муҳташам, ғоят мураккаб муҳандислик иншоотлари, умумий узунлиги қарийб 2,5 метр бўлган 15 та кўприк ва 6 та йўл ўтказгич, қурилган кўприклар орасида Марказий Осиёда ягона ҳисобланган, узунлиги 500 метр, баландлиги 57 метр бўлган ёйсимон кўринишдаги кўприк замонавий муҳандислик иншоотлари қуриб битказилди.

Кўприксозларимизнинг бутун юртимиз бўйлаб амалга ошираётган ишлари алоҳида эътирофга сазовор. Халқимиз уларнинг меҳнати, пойтахтимиз чиройига чирой қўшаётган бунёдкорлик ишларига юксак баҳо бермоқда. Тошкент шаҳрининг транспорт инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулай шароитлар яратаётган — Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтадиган янги кўприк дунёнинг саноқли давлатларидагина мавжуд. Ҳозирда мазкур кўприк туфайли автомобиллар қатнови ортиб, тирбандликлар бартараф этилган, энг муҳими, йўловчилар хавфсизлиги таъминланган.

Шу кунларда фойдаланишга топширилган яна бир иншоот, пойтахтимизнинг Муқимий ва Шота Руставели кўчалари кесишмасида бунёд этилган баландлиги 7,5 метр ва кенглиги 22 метр, узунлиги эса 960 метр бўлган ёйсимон йўл ўтказгич, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига муносиб туҳфа бўлди. Яқинда бунёд этилган кўприкни кўриб инсоннинг баҳридили очилади. Қулайликлар, атрофнинг кўкаламзорлаштирилиши, буларнинг барчаси одамларимизнинг кайфиятини кўтараяпти.

Кўприк қуриш — масъулиятли, мураккаб иш. Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай имконият яратиш катта меҳнатни талаб этади. Бир сўз билан айтганда, корхонада иш кўлами катта. Шундай машаққатли қурилишларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ижтимоий шароитлари қандай эканлиги барчангизни қизиқтириши табиий, албатта.



Корхона касаба уюшма қўмитасининг иш фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, кўприксозлар учун зарур меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш, сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш уларнинг доимий диққат-эътиборида эканлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, корхонада меҳнатга яраша рағбат яхши ташкил этилган.

— Ишчи-ходимлар учун қулай иш шароитлари яратиш, уларнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, соғломлаштириш, болалар оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш, ҳомийлик, спорт, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш борасидаги вазифаларимизни самарали ташкил этиб келмоқдамиз, — дейди Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Байрам Абдуллаев. — Айниқса, жорий йил "Соғлом она ва бола йили"да ишларимиз кўлами янада кенгайди. Йил бошида Қибрай туманидаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳамда Тахиатош шаҳридаги болалар уйининг тарбияланувчиларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, давлат дастури доирасида корхона хотин-қизлар қўмитаси ва бирлашган қўмитаси билан биргаликда доимий равишда тадбирлар ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, касаба уюшма қўмитаси корхона раҳбарияти билан биргаликда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича назорат ишлари олиб борилмоқда. Ишчилар мавсумий махсус кийим-кечак, оёқ кийим ва ҳимоя воситалари билан таъминланмоқда.

Кўприксозларимиз барпо этаётган иншоотлар мустаҳкам, чиройли ва маҳобатлидир. Энг муҳими, меҳнати билан рағбат ва раҳмат топаётган, ҳамиша эътибор ва ижтимоий ҳимояда бўлиб келаётган қурувчиларимиз ҳали кўплаб замонавий кўприклар, кўркам иншоотлар қуришни кўзламоқда.

Буларнинг барчаси гўзал шаҳримиз кўчаларида транспорт оқимини маромига келтириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ва йўловчиларга бирдек қулайлик яратишга хизмат қилади.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## Эълонлар


### "Invest ko`chmas mulk savdo" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

*Савдога 1. Фарғона шаҳар СИБ томонидан ФИБ Марғилон туманлараро судининг 10.12.2015 йил куни 1-8406/15-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Фарғона шаҳар, Машъал МФЙ, Фаробий кўчаси, 9/9-сонли уйда жойлашган "9-хонадон" бино иншоотлари,* ***Бошланғич баҳоси 111 291 152 сўм.***

*2. Фарғона шаҳар СИБ томонидан ФИБ Фарғона туманлараро судининг 23.12.2015 йилдаги 1-6807/15-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Фарғона шаҳар, Қашқар қишлоқ кўчаси 304 А-уйда жойлашган "Ҳовли-жой" бино иншоотлари,* ***Бошланғич баҳоси 294 000 000 сўм.***

*Аукцион савдоси 2016 йил 10 октябрь куни соат 14:00 дан бошлаб ўтказилади.*

*Савдога қўйилган мулклар билан туман, шаҳар Суд ижро бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 7 октябрь соат 18:00.*

*Аукцион савдода қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида савдо объектининг номи ва ижро ҳужжати рақами, санаси кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "Invest Ko`chmas Mulk Savdo" МЧЖнинг "Траст банк" Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 22604000300499077001, МФО: 01123, СТИР: 303445495, Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб мулкни сотиб олиш суммасини 5 (беш) банк иш кунида тўлаш шарти юклатилади.*

**Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси 22-уй, 3-хона.**
**Тел/факс: (0-373) 244-15-29. Расмий веб-сайт: www.ikms.uz.**

**Хизматлар лицензияланган.** **Лицензия № RR-0238.**

### ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

*Суд департаментининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси Суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлими суд ижрочиси лавозимида ишлашни истаган, олий юридик маълумотга эга ёки Тошкент юридик коллежи ҳамда 2-Тошкент юридик коллежини тамомлаган фуқароларни танлов асосида ишга таклиф этамиз.*

**Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 80-уй.**
**Телефонлар: (0 376) 223-05-22, (0 376) 223-05-20.**

**Суд департаментининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси.**


Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ адвокат Юсупов Баҳром Баротовичнинг "Buxoro Adolati Plyus" адвокатлик фирмаси муассислари таркибига кириши муносабати билан Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 23 августдаги буйруғига асосан адвокатлик мақоми *(адвокатлик гувоҳномаси №297, 23.08.2016 й.)* берилди.

Адвокат мақомини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳоллар тугаганлиги сабабли Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 1 августдаги 70-А-ум-сонли буйруғига асосан Янгийўл туманида фаолият юритаётган "ODILLIK SARI" адвокатлик фирмасининг адвокати Мирахмедова Манзура Турсунбаевнанинг адвокат мақоми тикланди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 15 августдаги 328-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "XAMZABEK NURMUXAMEDOV" адвокатлик бюросининг адвокати Нурмухамедов Хамза вафот этганлиги сабабли унинг номига бошқарма томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA 000079-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 15-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомнинг 26-бандига асосан Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 18 августдаги 135-ум-сонли буйруғига асосан Термиз шаҳридаги "Сурхон ҳақиқат маскани" 1-сон адвокатлар ҳайъати адвокати Кучаров Арол Моманоровичга бошқарма томонидан 2009 йил 11 июнда берилган SU 000040-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2016 йил 16 августдан 3 ой муддатга тўхтатилди.

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 17 августдаги буйруғига асосан "FENIKS SHAM" адвокатлик фирмасининг адвокати Шин Венерага 2009 йил 25 майда берилган SI 000003 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат мақоми 1 ой муддатга тўхтатилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 15 августдаги 31-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳридаги "SEVINCH" адвокатлар ҳайъати адвокати Худайкулов Анвар Хамраевичга бошқарма томонидан 2014 йил 25 ноябрдаги адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи GZ 000142-сонли лицензия ҳамда 2014 йил 16 декабрда берилган 209-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши тугатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 9 августдаги 88-ум-сонли буйруғига асосан Навоий шаҳридаги "BAXS-NAVOIY" адвокатлар ҳайъати адвокати Нодиров Икромга 2009 йил 1 июнда берилган NV №000026 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 15-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомнинг 26-бандига асосан Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 18 августдаги 136-ум-сонли буйруғига асосан Қумқўрғон туманидаги "Қумқўрғон" адвокатлик фирмаси адвокати Джумаев Туракул Хурсановичга бошқарма томонидан 2014 йил 22 августда берилган SU 000145-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2016 йил 16 августдан 3 ой муддатга тўхтатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.07.2016 йилдаги 216-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "PRIVILEGIUM" адвокатлар ҳайъати адвокати Сабиров Мирмахсуд Мухамеджановичга бошқарма томонидан 15.07.2009 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.07.2016 йилдаги 217-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "DILRUX HIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Юлдашева Мархамат Муратовнага бошқарма томонидан 28.12.2012 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 13.07.2016 йилдаги 223-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "TDA BEKTEMIR ADVOKATLARI" адвокатлик фирмасининг адвокати Zokirov Umid Taxirjanovich адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга сайланганлиги сабабли адвокатлик мақоми амалдаги "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 13[1]-моддасига биноан мазкур иш даврига тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 13.07.2016 йилдаги 224-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HELPER" адвокатлик фирмаси адвокати Алланазаров Бахтияр Даулетназаровичга бошқарма томонидан 30.10.2013 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 19.07.2016 йилдаги 230-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "SALI ATTORNEY'S GROUP" адвокатлик фирмаси адвокати Миронова Мария Эдуардовнага бошқарма томонидан 04.03.2011 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2016 йил 25 мартдаги "ADILOV'S SONS" адвокатлик фирмаси адвокати Адилов Миралим Абидовичга нисбатан интизомий жазо чоралари қўллашни рад этиш ва интизомий иш юритишни тугатиш тўғрисидаги қарорига ўзгартириш киритилиб, Олий малака комиссиясининг 15.07.2016 йилдаги 3-баённомаси ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 20.07.2016 йилдаги 232-ш/т-А-сонли буйруғига кўра Адилов Миралим Абидовичга бошқарма томонидан 10.06.2009 йилда берилган TN-000774 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 21.07.2016 йилдаги 234-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "AL-SIT HUQUQ" адвокатлар ҳайъати адвокати Сафаров Бахриддин Сафаровичга бошқарма томонидан 14.01.2011 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 29.07.2016 йилдаги 240-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "S YAKUBOV VA ADVOKATLAR" адвокатлар ҳайъати адвокати Вахидова Александра Вячеславовнага бошқарма томонидан 30.06.2009 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 29.07.2016 йилдаги 242-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "BARRISTER PALVANOV" адвокатлик фирмаси адвокати Norxujayev Farxod Nurmaxmat o'g'lira бошқарма томонидан 12.01.2016 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 01.08.2016 йилдаги 246-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "COLIBRI LEGAL" адвокатлик фирмаси адвокати Митрофанов Александр Сергеевичга бошқарма томонидан 25.02.2013 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 03.08.2016 йилдаги 248-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "TINIQOYDEK HIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Шерматова Дилфуза Тугаловнага бошқарма томонидан 02.09.2015 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 05.08.2016 йилдаги 249-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "REAL PROTECTION" адвокатлик фирмаси адвокати Kamilov Askad Axmadovichга бошқарма томонидан 10.07.2014 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.08.2016 йилдаги 251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "AG YURCONSALT GROUP" адвокатлик фирмаси адвокати Ishkurbanova Nazakat Xodjakulovnaга бошқарма томонидан 14.04.2016 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар "CHILONZOR — HIMOYA" адвокатлар ҳайъати адвокати Файзиев Шухрат Джалиловичга 02.06.2009 йилда берилган TN №000220 сонли лицензиянинг амал қилиши бошқарманинг 08.08.2016 йилдаги 252-ш/т-А-сонли буйруғига биноан суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар "INYURKOLLEGIYA" адвокатлик фирмаси адвокати Усманов Хусан Мухсимовичга 11.06.2009 йилда берилган TN №000877 сонли лицензиянинг амал қилиши бошқарманинг 08.08.2016 йилдаги 252-ш/т-А-сонли буйруғига биноан суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар тўхтатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 25.07.2016 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.08.2016 йилдаги 253-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ARBITRIUM LIBERUM" адвокатлар ҳайъати адвокати Муйдинов Одилжон Илясхановичга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 30.08.2012 йилда берилган TS-000374 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва бошқарма томонидан 02.07.2013 йилда берилган 2668-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 25.07.2016 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.08.2016 йилдаги 253-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "GLAMOUR-HIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Абдикодирова Умириниса Рахимкуловнага Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 18.09.2010 йилда берилган TS-000327 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва бошқарма томонидан 30.09.2015 йилда берилган 3514-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 25.07.2016 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.08.2016 йилдаги 253-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "HUQUQIY TA'MINLASH" адвокатлик фирмаси адвокати Игамкулов Фахриддин Кадиркуловичга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 03.06.2009 йилда берилган TS-000231 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва бошқарма томонидан 03.12.2014 йилда берилган 3145-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 25.07.2016 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.08.2016 йилдаги 253-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ACTUS PRAVO" адвокатлар ҳайъати адвокати Сидиқов Рустам Солиҳ ўғлига бошқарма томонидан 23.07.2010 йилда берилган TN-001277 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 01.05.2012 йилда берилган 2194-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 25.07.2016 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.08.2016 йилдаги 253-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "S YAKUBOV VA ADVOKATLAR" адвокатлар ҳайъати адвокати Карников Радик Равильевичга бошқарма томонидан 05.05.2010 йилда берилган TN-001243 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 31.05.2010 йилда берилган 1505-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 25.07.2016 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.08.2016 йилдаги 253-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "PRIVILEGIUM" адвокатлар ҳайъати адвокати Черник Ольга Гелиевнага бошқарма томонидан 01.06.2009 йилда берилган TN-000129 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 15.07.2009 йилда берилган 860-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 25.07.2016 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.08.2016 йилдаги 253-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "SHERDAV HIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Акбаров Улугбек Азатовичга бошқарма томонидан 10.06.2009 йилда берилган TN-000762 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 15.07.2009 йилда берилган 1005-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2016 йил 26 июлдан 6 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 25.07.2016 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.08.2016 йилдаги 253-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "SHERDAV HIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Турсунов Даврон Тухтасиновичга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 03.06.2009 йилда берилган TS-000223 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва бошқарма томонидан 15.07.2009 йилда берилган 1006-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2016 йил 26 июлдан 6 ой муддатга тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 12.08.2016 йилдаги 262-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "DEFENCE AND ORDALIUM" адвокатлик фирмаси адвокати Сагатов Асрар Аскаровичга бошқарма томонидан 13.12.2010 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 18.08.2016 йилдаги 265-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ADOLAT SINMASIN" адвокатлар ҳайъати адвокати Юсупов Бахром Баротовичга бошқарма томонидан 23.08.2011 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар "MA'RIFAT BARAKA" адвокатлик фирмаси адвокати Мухаммадиева Маърифат Тураевнага 05.06.2009 йилда берилган TN №000590 сонли лицензиянинг амал қилиши бошқарманинг 25.08.2016 йилдаги 269-ш/т-А-сонли буйруғига биноан суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар тўхтатилди.

* * *

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 25.08.2016 йилдаги 270-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "KARAMATOV VA ADVOKATLAR" адвокатлик фирмасининг адвокати Караматова Малика Аскаровнага Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 05.06.2009 йилда берилган TN №000569 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 30.06.2009 йилда берилган 34-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

# Юрт ифтихори

МУСТАҚИЛ Ўзбекистон давлати ташкил бўлганига чорак аср тўлди. Бу аслида тарих олдида қисқа муддат, аммо шу йиллар ичида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.

Халқимизнинг кўкрагига эрк шабадаси тегди. У ўзлигини англади, қаддини тиклади.

Мустақиллик туфайли сўз, фикр эркинлигига, ўз она тилимизда дунё минбарларида эмин-эркин сўзлаш ҳуқуқига эга бўлдик. Мустабид тузум кимки ақлли, кимки мустақил фикрли бўлса, халқ душманлари дея таҳқирлади, қамади, қатағон қилди.

Собиқ Иттифоқ ҳудудидан четга чиқмаган, ҳар бир ғоя ва режалар, бунёдкорлик ишлари учун аллақаерлардан рухсат олишга мажбур бўлган, қўл-оёғи банди, ўз ихтиёридагидек яшай олмаган ўзбек халқи бугун жаҳон майдонида ўз сўзига, ўрнига эга.

Ёшларимиз дунё ёшлари билан беллашиб, юксак марраларни қўлга киритмоқдалар. Қайси соҳани олмайлик, узлуксиз ислоҳотлар амалга оширилиб, кундан-кунга юксалиш, янгиланиш жараёнлари рўй бераётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Ўн икки йиллик бепул таълим мамлакатимиздаги ҳар бир ўғил-қизнинг келгуси ҳаёти фаровон бўлиши, танлаган йўлидан аниқ мақсад сари одимлаши учун замин бўлмоқда. Муайян касб ёки ҳунарга эга бўлган ёшларимизнинг илмий, ижодий муваффақиятлари, тадбиркорлик, спорт соҳасидаги ютуқлари эътирофга лойиқ. Яқинда Бразилияда бўлиб ўтган "Рио-2016" ёзги олимпиада мусобақаларида ғолибликни қўлга киритиб, юртимизга тўрт олтин, икки кумуш, етти бронза медалларини олиб қайтган ўзбек ўғлонлари бугун ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз фахр-ифтихор туйғуларини жойлади. Фазлиддин Ғойибназаров, Шаҳобиддин Зоировлар қатори олтин медаль соҳиблари бўлган Руслан Нуриддинов ва Ҳасанбой Дўстматовлар Андижоннинг чекка қишлоқларида улғайиб-ўсиб, оламшумул муваффақият қозонгани юксак эътирофга лойиқ.

Юртдошларимиз ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши англаган ҳолда эртанги кунга ишонч билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Бугун деҳқон ер эгаси. Тадбиркорларимизнинг маҳсулотлари дунё бозорларида харидоргир. Ҳунармандлар, усталар, ўқитувчи-ю тиббиёт ходимлари, барча-барча касб эгалари яратилган шарт-шароитлардан мамнун.

Ўзбекистон фуқаролари дунёда ўзларини энг бахтиёр инсонлар деб ҳисоблаётгани бежиз эмас, албатта. Тинчликосойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, маҳалла-кўй, элу юрт ўртасидаги қадр-қиммат, миллий урф-одатларимиз, азалий анъаналаримизга бўлган ҳурмат бугунги бахтли ҳаётимизни таъминлашда асос бўлаётган бўлса, не ажаб.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган одилона йўлдан адашмай, буюк келажак сари одимлаш, турли бузғунчи ғоялар таъсиридан ёш авлодни ҳимоя қилиш, мустақиллигимизни асраб-авайлаш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчидир.

**Зафарбек ИКРОМОВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**

## Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари "Ишонч телефонлари"



| | |
|---|---|
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (371) 1008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09 |
| 2 | Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги (361) 1008, 223-71-93 |
| 3 | Тошкент шаҳар адлия бошқармаси (371) 1008, 262-92-42 |
| 4 | Андижон вилоят адлия бошқармаси (374) 1008, 223-48-55 |
| 5 | Бухоро вилоят адлия бошқармаси (365) 1008, 223-74-16 |
| 6 | Жиззах вилоят адлия бошқармаси (372) 1008, 223-52-57 |
| 7 | Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси (375) 1008, 223-01-64 |
| 8 | Навоий вилоят адлия бошқармаси (436) 1008, 223-83-59 |
| 9 | Наманган вилоят адлия бошқармаси (369) 1008, 227-21-73 |
| 10 | Самарқанд вилоят адлия бошқармаси (366) 1008, 233-04-62 |
| 11 | Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси (376) 1008, 223-44-35, 223-26-84 |
| 12 | Сирдарё вилоят адлия бошқармаси (367) 1008, 225-30-50 |
| 13 | Тошкент вилоят адлия бошқармаси (371) 1008, 253-84-77 |
| 14 | Фарғона вилоят адлия бошқармаси (373) 1008, 244-52-40 |
| 15 | Хоразм вилоят адлия бошқармаси (362) 1008, 228-12-55 |
| | E-mail: info@minjust.gov.uz |

Жаҳон насри

# АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

*Ҳикоя*

ҚАДИМГИ Миср шоҳларидан улуғ Бойкос ўз шаҳарларидан бирида адолатли қози борлигидан хабар топибди. Айтишларича, у жуда ростгўй бўлиб, оқни оққа, қорани қорага ажратар, унинг ўткир нигоҳидан битта муттаҳам ҳам қочиб қутулолмас экан! Иттифоқо бир куни шоҳ Бойкос бунга ишонч ҳосил қилиш мақсадида савдогар кийимини кийибди-да, ўша ростгўй қози яшайдиган юртга равона бўлибди. Йўлда бир чўлоқ пайдо бўлиб, ундан хайр-садақа сўрабди. Шоҳ унга садақа бериб, йўлида давом этибди. Аммо тиланчи унинг этагига осилиб олибди.

— Хўш, сенга ўзи нима керак? — сўрабди ундан шоҳ Бойкос.

— Сен менга садақа бердинг, лекин яна бир илтифот кўрсат, мени отингда шаҳар ўртасидаги майдонга олиб бор, токи мени йўлдаги от ва туялар эзиб ташламасинлар!

Шоҳ Бойкос чўлоқни отига мингаштириб, шаҳар марказидаги катта майдонга олиб борибди. Ўша ерга етиб келиб, отини дарахтга боғлаб қўйибди. Аммо қайсар тиланчи отдан ҳеч тушмас эмиш.

Шунда шоҳ Бойкос дебди:

— Хўш, нега отда ўтирибсан, биз етиб келдик, энди отдан туш!

Тиланчи унга шундай жавоб қайтарибди:

— Ахир, от меники бўлса, нега ундан тушишим керак, агар бунга гумонинг бўлса, унда шаҳар қозисига борамиз!

Атрофдаги оломон ҳам буни эшитиб, шовқин солибди:

— Қозига боринглар, тўғри ҳукмни қози чиқаради!

Ноилож шоҳ Бойкос ҳалиги чўлоқ билан шаҳар қозисининг олдига боришибди. Қозининг ҳовлисида тумонат одам тўпланган бўлиб, қози бу одамларни навбати билан ҳузурига чақирар экан.

У биринчи бўлиб олдига бир олим ва деҳқонни чорлабди. Улар битта гўзал аёл учун қозининг ҳузурига келишган экан. Деҳқон ўша аёлни хотиним деса, ё тавба, олим ҳам бу аёл менинг завжаи ҳалолим дермиш!

Қози икки томонни тинглаб бўлиб, ҳукм чиқарибди:

— Аёл менинг уйимда қолади, сенлар эса эртага келасизлар!

Улар чиқиб, хонага қассоб ва ёғфуруш киришибди. Қассобнинг қўли қон, ёғфурушнинг қўллари эса мойга буланган экан. Қассобнинг қўлида пул, ёғфуруш эса унинг қўлидан маҳкам тутиб олган экан.

Шунда қассоб арз-додини айтибди:

— Тақсир, мен бу одамдан ёғ сотиб олиб, энди пулини бермоқчи эдим, у қўлимдан маҳкам ушлаб, пулни мендан тортиб олмоқчи бўлди. Мен қўлимда кармоним, у эса менинг қўлимдан ушлаган ҳолда ҳузурингизга келдик! Пуллар меники, ёғфуруш эса муттаҳам, ўғри!

Ёғфуруш эса қуйидагиларни айтиб берибди:

— Бу ҳаммаси бўҳтон! Қассоб олдимга мой сотиб олиш учун келган эди. Мен унга кўзасини тўлдириб мой қуйдим. У мендан тилла динорини майдалаб беришимни сўради. Мен майда чиқариб, пештахтага қўйдим. Қассоб бу пулларни олиб қочмоқчи бўлди. Мен шу пайт уни қўлидан ушлаб сизга олиб келдим, тақсир!

Қози бироз сукут сақлаб кейин шундай дебди:

— Пуллар менда қолади, сизлар эртага келинглар.

Навбат шоҳ Бойкосга келгач, у бўлган воқеани оқизмай-томизмай қозига айтиб берибди. Шунда қози чўлоққа юзланибди. Чўлоқ қуйидагиларни гапириб берибди:

— Унинг гаплари ғирт ёлғон! Мен ўз отимда сайр қилиб юрган эдим. Бу одам эса мендан ўзини майдонгача элтиб қўйишимни сўради. Кейин менга туҳмат қилиб, бу от ўзиники эканлигини даъво қилди. Бу ғирт ёлғон!

Буни эшитиб, қози жавоб қайтарибди:

— Отни менинг уйимда қолдириб, ўзларинг эртага келасизлар!

Эртасига эрталаб шаҳарнинг марказий майдонига тумонат одам тўпланган, ҳамма қозининг адолатли қарорини кутар экан.

Биринчи бўлиб, олим ва деҳқон қозининг қабулига киришибди. Қози ўйлаб туриб, ўзининг биринчи қарорини халққа эълон қилибди:

— Хотин олимга тегишли, деҳқонга эса эллик дарра урилсин!

Олим ўз хотинини олибди, деҳқон эса қаттиқ жазога тортилибди.

Кейин қози қассоб ва ёғфурушни олдига чақирибди.

— Бу пуллар сеники, — дебди у қассобга. Кейин қози ёғфурушга юзланибди:

— Ёғфурушга эллик дарра урилсин! — қарорини эълон қилибди қози.

Ниҳоят навбат шоҳ Бойкос ва чўлоққа келибди.

— Сен ўз отингни йигирмата бошқа отнинг орасида таний оласанми? — сўрабди қози шоҳ Бойкосдан.

— Таний оламан, тақсир! — жавоб қайтарибди шоҳ Бойкос.

— Сен-чи?! — юзланибди қози чўлоққа.

— Мен ҳам ўз отимни танийман! — жавоб берибди чўлоқ.

— Ортимдан юринглар-чи!

Ҳаммалари биргалашиб отхонага ўтишибди. Шоҳ Бойкос гувоҳлар олдида йигирмата от орасидан ўзининг отини кўрсатибди. Кейин қози чўлоқни чақириб, уни ҳам отхонага олиб борибди ва ундан ўз отини топиб беришини сўрабди. Чўлоқ отни таниб, уни кўрсатибди. Бундан сўнг қози ўз ўрнига ўтиб, қарорини ҳаммага эълон қилибди:

— От Бойкосники, чўлоққа эса эллик дарра урилсин!

Иш куни тугаб, қози уйига қайтаётганида, шоҳ Бойкос унинг ортидан эргашибди.

— Хўш, нима гап ўзи ёки сен менинг қароримдан норозимисан? — сўрабди қози шоҳ Бойкосдан.



**Лев ТОЛСТОЙ, рус адиби (1828–1910)**

— Йўғ-э, мен қароringдан розиман, фақат хотин олимники, пуллар қассобники ва от меники эканлигини қандай аниқлаганингга ақлим етмаяпти!

Шунда қози жавоб қайтарибди:

— Хотин кимникилигини мен бундай билиб олдим: уни эрталаб ҳузуримга чақириб, "Сиёҳдонга сиёҳ қуйиб бер!" деб сўрадим. У сиёҳдонни олди, уни чаққон ювибтозалаб, унга сиёҳ қуйди. Афтидан, хотин бу ишни олдин ҳам қилиб кўрган, шунинг учун бу иш унга унча қийин бўлмади. Агар у деҳқоннинг хотини бўлганида, бу ишни уддалай олмасди. Демак, хотин олимга тегишли бўлиб чиқди.

Пуллар кимники эканини мен қуйидагича аниқладим: уларни сувга солиб қўйган эдим, эрталаб туриб қарасам, пиёладаги сувнинг бети топ-тоза. Агар бу пуллар ёғфурушга тегишли бўлганида, сув юзида мой доғлари пайдо бўларди. Демак, қассоб тўғри гапирган! От кимга тегишли эканлигини аниқлаш анча оғирроқ кечди. Чунки чўлоқ ҳам сенинг отингни таниди. Сизларни отхонага бошлаб борганимда, мен учун сизларнинг отни танишинглар эмас, балки отнинг сизларни таниши заруррок эди! Сен отга яқинлашганингда, от бошини кўтариб, сенга интилди, чўлоқ унга яқин келганида эса от қулоқларини қисиб, туёқларини кўтарди! Бунга кўра, отнинг ҳақиқий хўжайини сен эдинг!

Шунда шоҳ Бойкос дебди:

— Мен оддий савдогар эмасман, шу юртнинг подшоси — шоҳ Бойкосман! Одамларнинг сен ҳақингда айтаётган сўзларига ўзим гувоҳ бўлиш учун бу ерга келган эдим! Сенинг ростгўй қози эканингга буткул ишондим! Тила тилагингни, сени мукофотлайман!

Ростгўй қози вазминлик билан жавоб қайтарибди:

— Менга мукофот керак эмас, жаноби олийлари, улуғ шоҳимнинг мақтовлари мен учун энг олий шараф!

**Рус тилидан Раҳмат ТЎЛА таржимаси**

Имконият

# Тадбиркорликка кенг йўл

## аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

**МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда солиқ ва солиққа тортиш масаласи энг муҳим соҳалардан бири бўлиб келмоқда. Хусусий тармоқнинг жадал ривожланаётганлиги унинг юртимиз иқтисодиётидаги улуши кўпаётганлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳити яхшиланганлиги, деб эътироф этиш мумкин.**

Айтиш жоизки, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, уларга кенг имкониятлар ва қулай шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Бинобарин, 2014 йил 4 декабрда **"Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонун ва Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган қўшимчалар шубҳасиз тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантиришга қаратилган. Унга кўра, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъекти қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойнинг кейинги ойидан бошлаб тўлаши, бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилиши, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолияти тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланиши белгилаб қўйилди.

Вилоятимизда тадбиркорлик субъектларига яратилган имтиёз ва кафолатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври давомида 16960 та тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилди. Шундан, 16913 таси якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти, 47 таси эса оилавий корхоналарни ташкил этади.

Шу ўринда савол туғилади. Якка тартибдаги тадбиркор ким? Улар қандай фаолият тури билан шуғулланишлари мумкин? Амалдаги қонунчиликка асосан, яъни Солиқ кодексининг 18-моддасида белгилаб қўйилганидек, якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахс ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркор Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли. Шу қатори, якка тартибдаги тадбиркорлар Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги **"Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"**ги қарори билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ 76 та ҳамда Президентимизнинг 2005 йил 28 мартдаги **"Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони билан тасдиқланган 25 та фаолият тури билан шуғулланишлари мумкин.

Сир эмаски, тадбиркорларимизга қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг имкониятларини янада кенгайтириш давр талабига айланиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борада, Ўзбекистон Республикасининг **"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"**ги Қонуни аҳоли бандлигини таъминлаш ва шу йўл билан уларнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мен пичоқчилар сулоласининг еттинчи авлоди ҳисобланаман. Бугун биз тадбиркорлар учун жуда кўплаб имтиёз ва имкониятлар яратиб берилган, — дейди Чуст шаҳридаги "Чуст пичоғи" ишлаб чиқарувчи Раҳимжон Убайдуллаев. — Шу боис, берилган имтиёзлардан фойдаланиб, қўшимча тўловлар бўлмаганлиги сабабли, тежаб қолинган пуллар эвазига фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратмоқдамиз.

**Иқболжон ҲАКИМОВ,**
**Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

## Эълон

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Самарқанд вилояти**
Пастдарғом туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Хоразм вилояти**
Урганч шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Урганч шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Тўрткўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Жиззах вилояти**
Жиззах туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жиззах шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фориш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Қашқадарё вилояти**
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қамаши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Миришкор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Сурхондарё вилояти**
Термиз шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Термиз шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Денов туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Узун туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Фарғона вилояти**
Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Боғдод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олтиариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент вилояти**
Қуйичирчиқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Паркент туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2016 йил 5 октябрь) Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7897
Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Усманов Анвар Акрамович, Мамадалиев Зайниддин Очилович, Очилов Алижон Мухлисович, Эргашева Дилфуза Рустамовна
Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВ
Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 18637. Буюртма S-6865.
Топшириш вақти — 19:00 Топширилди — 19:00
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.
МАНЗИЛИМИЗ: 100192, Тошкент ш. Буюк Ипак йўли кўчаси-1. Тел: 268-19-74, Факс: 268-19-31 Обуна бўлими: 268-19-97
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5